

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ МУХИТИДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИЧА АХВОЛИ

**Моҳинур Зафар қизи Илҳомова**

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда мактабгача таълим бошқарув функсияларини тубдан қайта қуриш, бошқарув сифатини яхшилаш талаб этилмоқда. Менежмент ташкилотни бошқариш жараёни сифатида сунъий ижтимоий-педагогик тизим бўлган мактабгача таълим ташкилоти фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади. Ушбу мақолада ўзбекистон ижтимоий мухитида замонавий мактабгача таълим тизимининг янги ахволи мазмуни ҳақида сўз борган.

**Калит сўзлар:** интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш, менежмент, янги технологиялар, таълим тизими, ривожлантириш, тарбия жараёни, соғлом ва баркамол, бола шахсини тарбиялаш.

### КИРИШ

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим ташкилотлари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

### АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, билимли ва зукко қилиб тарбиялаш мақсадида мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга катта

эътибор қаратилляпти. Хусусан, давлатимиз рахбарининг жорий йил 30 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилмоқда. Шу боисдан ҳам юртимизда мақтабгача таълимни янада ривожлантириш учун кенг миқёсли ислохотлар олиб борилмоқда. Мақтабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»нинг қабул қилиниши, янги уй-жой қурилишида кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида боғчалар ташкил этилиши, кичик (3-4) ёшдаги болаларни таълим тизимига ажратилаётган бюджет харажатларининг 2017 йилдан 2020 йилгача 11,25% дан 16,34% га ошиши ана шундай эътибор самараси ҳисобланади.



## НАТИЖАЛАР

Мақтабгача таълим ташкилотига оид давлат талабларида мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, жаҳон тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мақтабгача таълим тизимида маънан мукамал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш мақсад қилиб олинади.

Жаҳон амалиётини кузатадиган бўлсак, болаларни мақтабга чиқишдан олдин мақтабга тайёрлаш босқичига алоҳида эътибор берилади. Охирги йилларда республикада ҳам бу масала кун тартибидан ўрин олган. Мисол

учун, 2020 йилда 6 ёшдаги болаларнинг 70% мактабгача тайёргарликка жалб қилинган бўлса, жорий йилда 82% чиқди. 2025 йилга бориб, 100% болаларни қамраб олиш кўзда тутилган. Бу борада қилинаётган ишлардан мактабгача таълимда тажриба тариқасида амалга оширилаётган лойиҳани мисол қилишимиз мумкин. Февраль ойида Кореядаги ҳамкорлар томонидан Ўзбекистон мактабгача таълим вазирлигига 275 та робот ва 350 та ўқув қўлланмалари тақдим этилди. Болаларни ёшлигидан алгоритмик фикрлаш қобилиятини шакллантириб бориш, уларнинг келажакдаги оптимал ечим топиш, дастурлаш кўникмаларини кенгайтиради. Albert ҳамда Genibot роботлари 6 ёшли тарбияланувчилар билан машғулотлар олиб боришга мўлжалланган. Инновацион лойиҳалардан яна бири –“Ақлвой” мобил боғчаларининг йўлга қўйилиши. Ушба тажрибада 2019 йилнинг кузидан 2020 йилнинг кузига қадар Тошкент шаҳридан ташқари барча ҳудудларнинг чекка 44 маҳалласидаги 2 минг нафарга яқин болаларни қамраб олинди. Лойиҳа ижобий натижалар бергани учун махсус автобуслар ва майдончаларни куриш грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

## МУҲОКАМА

Бугунги кунда мактабгача таълим бошқарув функцияларини тубдан қайта куриш, бошқарув сифатини яхшилаш талаб этилмоқда. Менежмент ташкилотни бошқариш жараёни сифатида сунъий ижтимоий-педагогик тизим бўлган мактабгача таълим ташкилоти фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади. Мактабгача таълимнинг сифати бу -болалар боғчасидаги педагогик жараённинг қандай ташкил этилишига, унда ҳар бир боланинг таълим ва тарбия жараёнида унинг шахсий, ёши ва жисмоний хусусиятларига мос равишда таълим –тарбия ишларини олиб борилишига боғлиқ. Болалар билан ишлаш тарбиячидан катта куч ва ғайратни талаб қилади, шунинг учун жамоада педагогик жараённинг барча иштирокчилари орасида меҳр-оқибат, ҳушмуомалалик ва ҳурмат билан талабчанлик айниқса муҳимдир. Ҳар бир ўқитувчининг шахсига ҳурмат кўрсатадиган, мойиллик, қизиқиш, имкониятларни ҳисобга оладиган, оқилона талабчанлик билан биргаликда раҳбар раҳбарлик қилишнинг авторитар усулларига қатъий риоя қилганидан анча юқори натижаларга эришади. Ишга қизиқишни ошириш ва яхши мувофиқлаштирилган жамоани шакллантиришнинг энг яхши усулларидан бири бу одамларни ҳурмат қилиш ва уларга масъулият билан ёндашиш муҳимдир.

## ХУЛОСА

Мактабгача таълим ҳар бир шахсинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, боғчада пухта тайёрланиб мактабга чиққан болажонларнинг ютуқларга эришиш имконияти кенгайди. Замонавий мактабгача таълим ташкилотини бошқариш механизми- бошқарув функцияларини бажариш хусусиятини ўзгартиради, ташкилот ва педагогик жараённинг барча иштирокчилари ўртасида ўзаро муносабатларнинг тубдан янги шакллари келтириб чиқаради. Замонавий мактабгача таълим ташкилотини бошқаришнинг кенгайтирилган объекти болалар боғчаси ва атроф-муҳит ўртасида юзага келадиган барча алоқалар ва муносабатларни ҳисобга олишни ўз ичига олади десак муболаға бўлмайди.

## REFERENCES

1. Л.Р.Миржалолова Танлов фани модули Т.: Истеъдод, 2018. – 223 б
2. Ksendzova, GF Maktabgacha ta'lim tizimini modernizatsiya qilishda psixologik-pedagogik yordam / GF Ksendzova // Yakutsk IPKRO nashriyoti, 2006 yil - S 146-148
3. Xasanova, G. (2020). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
4. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
5. Г.И.ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-225б
6. Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 778-782
7. М.Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
8. М.Усмонова .Педагогик жараён лойихаси – машғулотлар самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конференция. Тошкент. 25 май, 2017 йил
9. Norquziyeva, M. (2020). The role of educational technology in shaping the professional stability of students. Архив Научных Публикаций JSPI.